



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 26 июнь, № 128 (7086)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

2018 йил 24 июнь куни

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Режеп Таййип Эрдоғонни Туркия Республикаси Президенти лавозимига қайта сайлангани муносабати билан самимий табриклаб, фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари бугунги кунда юқори суръатлар билан ривожланаётгани ва мустақамланиб бораётгани чуқур мамнуният билан алоҳида қайд этилди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли ва кўп қиррали ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Мулоқот сўнггида Президентлар барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришга тайёр эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Ў.А.

БИЗ ва ЖАҲОН

Европа иттифоқи Ўзбекистон ташаббусининг амалий ижросидан мамнун

Европа иттифоқи БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш” резолюцияси қабул қилиниши муносабати билан баёнот берди.

Евроиттифоқ ҳамда унга аъзо давлатлар номидан баёнотни ЕИнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хузуридаги делегацияси раҳбари Виктор Дворжак ўқиб эшиттирди. Дипломатнинг сўзларига қараганда, “ушбу резолюциянинг қабул қилиниши Брюсселда мамнуният ила қутиб олинди”.

Баёнотда, хусусан,

қуйидагилар қайд этилади: “Биз Марказий Осиёда кечаётган ижобий жараёнларни қўллаб-қувватлаймиз ва минтақа мамлакатларининг ишончли шериги бўлиб қолмоқдамиз. Европа ҳамда Марказий Осиё давлатлари ҳеч қачон бу даражада яқин бўлмаган эдилар.

(Давоми 2-бетда).



Хорижлик журналист нигоҳи

Рашод МАЖИД,
адиб, Озарбайжон Республикасининг
«525-Газета» наشري Бош муҳаррири:

«Шавкат Мирзиёевнинг халқчил сиёсати Озарбайжонда ҳам муносиб эътироф этилмоқда»



— Бугун биз ахборот асрида яшаймиз. Шу боис дунёнинг бир чеккисида рўй берган воқеа-ҳодиса дақиқалар ичиди жаҳоннинг бошқа

бурчагига етиб келади. Ахборот коммуникация технологиялари шу қадар ривожландики, ҳаётимизни уларсиб тасаввур ҳам қилолмаймиз. Турли сайтлар, ижтимоий тармоқларда ахборотлар қўлиги, янгилар, хабарлар оқими одамни шошириб қўймоқда. Мана шундай пайтда журналистнинг позицияси, таҳрираси ва оқиллиги муҳим аҳамият касб этади. Жамоатчиликни ҳолис ва тўғри ахборот билан таъминлашда оммавий ахборот воситалари ҳодимларининг ўрни бекиёс. Шу ўринда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари куни билан ўзбекистонлик барча ҳамкасбларимни муборакбод этаман.

(Давоми 2-бетда).



Бош Ассамблея, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларини илгари суриш бўйича минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чоралар қабул қилиниши рағбатлантириладиган Низоми қоидаларига амал қилиб,

Марказий Осиё мамлакатларининг минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш борасидаги муҳим ролини тан олган ҳолда,

Марказий Осиё мамлакатлари дуч келаётган замонавий таҳдид ва ҳавфларни эътиборга олиб,

Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва ривожланиш соҳаларидаги йирик минтақавий ва халқаро ташаббусларини, шу жумладан:

а) Ядро қуролидан ва бошқа оммавий қирғин қуролидан холи бўлган тинчликка эришишга йўналтирилган самарали чора сифатида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг ташкил қилиниши,

б) Бош Ассамблея томонидан ядро қуролидан холи дунё барпо этиш мақсадида эришишнинг асосий воситаларидан бири сифатида 29 август — Халқаро ядровий синовларга қарши ҳаракатлар куни, деб эълон қилиниши,

в) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёда Глобал асилтеррор стратегиясини ва Ашхобод декларациясини амалга ошириш бўйича биринчи минтақавий қўшма ҳаракатлар режасининг қабул қилиниши,

г) ядровий синовлар ва радиоактив чиқиндилар қолдиқларидан келиб чиқадиган таваккалчиликларни — «уран қолдиқлари омборхоналари»ни бартараф этиш,

д) 2018 — 2028 йиллар даврини «Сув барқарор тараққиёт учун» халқаро ўн йиллиги деб эълон қилиш,

е) энергия ташувчилар ва энергетик ресурсларнинг ишончли ва барқарор транзитини, жумладан, мавжуд минтақавий энергетика лойиҳаларини самарали амалга оширган ҳолда таъминлаш,

ж) транспорт ва транзит коридорларини қўллаб-қувватлашнинг барқарор, рентабелли инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, янги автомобиль ва темир йўллар,

шунингдек, авиайўналишлар очиш орқали транспорт ва транзит масалалари бўйича Марказий Осиёни камраб олувчи битимларни амалга ошириш баробарида транспортнинг барча турлари бўйича алоқаларни мустақамлаш,

з) экотизимлар, биохилмаҳиллик ҳамда флора ва фаунанинг энг муҳим турлари ҳимояси таъминланишини қайд этган,

Марказий Осиё мамлакатларининг 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибиди амалга оширишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларини ва унда кўзда тутилган миллий даражада барқарор ривожланиш соҳасидаги максадларни маъқуллаган,

2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни мустақамлаш тарафдори эканини тасдиқлаган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференция натижаларига таянган ҳолда,

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ўтказиш бўйича ташаббуси минтақада қўллаб-қувватланганини мамнуният билан таъкидлаган,

Превентив дипломатиянинг муҳим ролини тан олиб ва шу нуктаи назардан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ролини таъкидлаган,

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, унга Афғонистон ҳам қўшилган, Марказий Осиё иқтисодиёти учун Махсус дастури доирасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларни тан олган,

Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган Афғонистон бошчилигидаги Афғонистон бўйича Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясининг ва бошқа шу каби муҳим минтақавий ташаббусларнинг аҳамиятини таъкидлаган, 2017 йил 14-15 ноябрь кунлари Ашхободда бўлиб ўтган иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган Афғонистон бўйича еттинчи

Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясининг якуний ҳужжатларини маъқуллаган ҳамда Марказий Осиё давлатларининг хатти-ҳаракати ва уларнинг Афғонистонни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини рағбатлантирган,

Кенгаш таркибидagi биринчи Марказий Осиё давлати сифатида Қозоғистон раислиги даврида 2018 йилнинг 19 январида бўлиб ўтган вазирлар даражасидаги Хавфсизлик Кенгашининг «Хавфсизлик ва ривожланиш масалаларини бирлаштирувчи йўналишдаги ишларнинг модели сифатида Афғонистон ва Марказий Осиёда минтақавий шериклиқни шакллантириш» мавзусидаги музокара-лари яқунларни таъкидлаган,

Марказий Осиё давлатларининг террорчилик учун озқуқ муҳитини яратадиган барча ҳолатларда тажовузкор экстремизмга қарши самарали курашишнинг муҳим шарти сифатида маърифатга фаол қўмаклашиш борасидаги хатти-ҳаракатларини тан олган,

2018 йил 3-4 май кунлари Душанбеда бўлиб ўтган «Террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш» мавзусидаги юқори даражадаги халқаро конференция якунларини эътиборга олган,

Маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга қўмаклашувчи Жаҳон кўчманчилар йўнларининг мунтазам ўтказилишини қўллаб-қувватлаган ҳолда,

1. Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш, изчил тараққиётни таъминлашга қўшган ҳиссаси ва шу йўлдаги хатти-ҳаракатларини мамнуният билан таъкидлайди;

2. Бугунги кунда Марказий Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашга йўналтирилган минтақавий хатти-ҳаракатлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашни маълум қилади;

3. Минтақада барқарорлик ва изчил ривожланиш йўлидаги таҳдидлар Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, улар билан халқаро ва минтақавий ташкилотлар ўртасидаги янада яқин ва мувофиқлаштирилган ҳамкорликни тақозо этади ва айни пайтда ушбу хавфларни минтақавий ва халқаро ташкилотлар иштирокида бартараф этишда минтақавий ҳамкорликнинг муҳимлигини таъкидлайди;

4. Минтақа давлатларини минтақада ва унинг ҳудудидан ташқарида тинчлик-осойишталикни таъминлаш ва барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида давлат раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувлари платформасидан ва бошқа анжуманлардан самарали фойдаланишга даъват қилади;

5. Марказий Осиё мамлакатларининг «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний коммюникесиди баён қилинган ташаббусларни амалга ошириш йўлидаги фаол ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди;

6. 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи саммитини қўталади;

7. Туркменистон томонидан 2018 йилда Халқаро Орлолни кутқариш жағмараси иштироки давлатлари саммити ўтказилишини маъқуллайди;

8. Марказий Осиё давлатлари томонидан Афғонистондаги тинчлик жараёни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қўмаклашиш мақсадида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларни ва ушбу давлатларнинг минтақавий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлайди ҳамда Қобул жараёнининг Афғонистон бўйича тинчлик ташаббусини амалга оширишнинг асосий форуми ва воситаси сифатидаги муҳим аҳамиятини, шунингдек, халқаро ҳамжамиятининг Афғонистон раҳбарлиги остида тинчлик ва келишувга эришиш жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича жорий хатти-ҳаракатлар ва халқаро конференциялар, жумладан, Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги Тошкент конференциясининг аҳамиятини таъкидлайди;

9. Минтақанинг барча давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, Марказий Осиёдаги суғил энергетика ресурсларидан оқилола ва комплекс фойдаланиш соҳасидаги икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг аҳамиятини қайд этади ва

ушбу мақсадда қисқа вақтда ўзаро фойдали ва узоқ муддатли барқарор механизмларни ишлаб чиқиш учун мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказилишига даъват қилади;

10. Аъзо давлатларни Марказий Осиё мамлакатларининг Орол денгизи қуришининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларини юмшатишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга даъват қилади;

11. Марказий Осиё давлатлари ўртасида маърифат, фан, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги алоқаларни чуқурлаштириш асосида ва фаълқулорда вазиятларда ўзаро ёрдам кўрсатиш мақсадида яқин қўшничилик ва дўстона муносабатларнинг янада мустақамланишини қўллаб-қувватлайди;

12. Марказий Осиёнинг бепоён ҳудудида замонавий транспорт тизимини яратишнинг муҳимлиги ва барқарор ривожланиш ҳамда одамлар, товар ва хизматлар эркин ҳаракатланишининг энг зарур шартларидан бири сифатида минтақанинг транзит салоҳиятидан кенг фойдаланиш аҳамиятини қайд этади;

13. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги ихтисослашган муассасалар, фондлар ва дастурларни минтақа давлатлари томонидан белгиланадиган Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва барқарор ривожланишнинг устувор йўналишлари қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз дастур ва тадбирларини мувофиқлаштиришга даъват қилади;

14. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказига тегишли минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда превентив дипломатияни рағбатлантириш бўйича ўз мандати доирасида минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қўмаклашиш борасидаги хатти-ҳаракатларини давом эттириши тавсия қилади;

15. Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги ва умуман халқаро ҳамжамиятнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланиш соҳаларидаги ҳамкорлигини мустақамлаш ва кенгайтириш йўлидаги хатти-ҳаракатларини маъқуллайди.

БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш» резолюцияси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги баёноти

Жорий йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш” резолюцияси қабул қилинди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатни БМТга аъзо барча давлатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Резолюциянинг қабул қилиниши Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий ижроси ҳисобланади. Ўзбекистон раҳбари ўз чиқишида 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Марказий Осиё бўйича юқори даражадаги халқаро анжуман ўтказилишини маълум қилиб, унинг яқунлари бўйича Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мус-

тақамлаш борасидаги сайъ-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир махсус резолюциясини қабул қилишни тақдир этди.

Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Осиё ва Африканинг 55 мамлакати ушбу резолюция ҳам-муаллифлари бўлди. Улар орасида Австралия, Австрия, Афғонистон, Беларусь, Германия, Италия, Ҳиндустон, Индонезия, Канада, Нигерия, Норвегия, БАА, Корея Республикаси, Сингапур, Туркия, Швейцария, Эквадор ва бошқа мамлакатлар бор. Ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатлашувларда Марказий Осиёнинг барча етакчи ҳамкор давлатлари, жумладан, Россия, ХХР, АҚШ ва ЕИ мамлакатлари фаол ва конструктив тарзда иштирок этди.

Резолюцияда Марказий Осиё давлатларининг минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлашдаги муҳим роли эътироф этилади. Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва тараққиёт соҳаларидаги минтақавий ва халқаро ташаббуслари алоҳида қайд этилади.

Ҳужжатда Бош Ассамблея минтақа мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган сайъ-ҳаракатлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш баён этилади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ташкил қилиш бўйича ташаббуслари минтақа доирасида қўллаб-қувватланаётганини мамнуният билан қайд этган ҳолда, резолюция бундай маслаҳатлашувлар платформасидан минтақанинг долзарб муаммоларини биргаликда ҳал этиш йўлида самарали фойдаланишга даъват этади. Ҳужжатда 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг ilk саммити ўтказилгани эътироф этилади.

Резолюцияда Марказий Осиёда хавфсизликни мустақамлаш, сува ва энергия манбаларидан унумли ва комплекс фойдаланиш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ва ижтимоий-иқтисодий асоратларни юмшатиш, минтақада замонавий транспорт ва транзит

тизимини ташкил этиш, маърифат, фан, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги алоқаларни чуқурлаштириш йўналишларида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилади.

Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга қўмаклашишга қаратилган биргаликдаги сайъ-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мамлакатда тинчлик ва муроасага эришиш мақсадида жорий йил март ойида “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Афғонистон бўйича Тошкент конференциясининг аҳамияти қайд этилади.

Резолюция халқаро ҳамжамият, хусусан, БМТ тизимидаги ихтисослашган муассасалар, жағмарга ва дастурларни минтақа мамлакатлари томонидан кўзда тутилаётган Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва барқарор тараққиётнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Ушбу резолюциянинг БМТда бир овоздан маъқулланиши ва қабул қилиниши Ўзбекистоннинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қритаётган очик, оқилола ва конструктив ташқи сиёсати туфайли Марказий Осиёда шаклланган мутлоқо янги, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳити халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётганидан далолат беради. Халқларини минг йиллик биродарлик ва яхши қўшничилик ришталари, муштарак тарих, дин, маданият ва аъёналар боғлаб турган Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюция Марказий Осиёни ҳамкорликда умумий муаммоларни ҳал қилиш, минтақа тараққиёти ва унинг кўп миллионли аҳолиси фаровонлигини таъминлашга қодир ахлит жипслашган минтақа сифатида шаклланишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тошкент, 2018 йил 23 июнь

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қўмаклашувчи комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Комиссия фаолиятининг дастлабки босқичи таҳлил қилинди, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ўтган йилнинг 22 декабрь кунли Олий Мажлисига йўланган Мурожаатномада суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни давом эттириш, фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар, халқ билан бевоқиф мулоқот давомида кўтарилаётган масалаларни умумлаштириш, парламент сўрови орқали ҳаққоний вазиятни таҳлил қилиш юзасидан чоралар қўриш мақсадида мазкур Комиссияни тўзиш ташаббуси билдирилган эди. Жорий йилнинг апрель ойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашининг қўша қарори билан Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қўмаклашувчи комиссия тузилди, унинг низоми тасдиқланди. Депутатлар ва сенаторлар Комиссия таркибига киритилди.

— Ўтган давр мобайнида Комиссия ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш борасида аниқ чоралар қўрди, — дейди Комиссия аъзоси Шухрат Полвонов. — Уни тузишнинг моҳияти ва аҳамияти, унинг вазифалари юзасидан аҳоли орасида тушунтуриш ишлари олиб борилди. Оммавий ахборот воситаларида бир қатор материаллар чоп этилди. Шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Халқаро ҳамкорлик

бўйича Германия жамияти (GIZ) қўмаги билан семинар ташкил этилди. Унда Ўзбекистон парламентида махсус комиссиянинг тузилиши аҳамияти ва суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро тажриба муҳокама қилинди.

Йиғилишда Комиссия режаси ихросининг бориши, шунингдек, кўзда тутилган тадбирларни ташкил этиш бўйича қўрилаётган чоралар муҳокама қилинди.

Яқинда парламент қўйи палатасида қатор қонун ҳужжатлари тегишли судлар раисларининг ўз фаолияти юзасидан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан уларнинг ахборотини эшитиш бўйича ўзгартишлар киритилди. Шу муносабат билан йиғилишда бундай ахборотни эшитиш механизмларини назарда тутувчи тавсиявий характерга эга бўлган тегишли ҳужжатлар тайёрла-нишининг бориши ҳақидаги ахборот эшитилди.

Комиссия аъзолари, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ўз фаолияти юзасидан тегишли суд раисларининг ахборотларини эшитиш бўйича алоҳида жадвал асосида минтақавий семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш масаласини кўриб чиқдилар.

Йиғилишда комиссиянинг ш режасида кўзда тутилган бошқа тадбирларни ўтказиш-ни ташкил этиш, хусусан, жо-

рий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллигини таъминлашга таъсир қилувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг Олий суд ва Судьялар олий кенгашига келиб тушган мурожаатлари-ни умумлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қон тартибини ҳисобга олган ҳолда, судлар тўғрисидаги қонунчиликка, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципларга сўзсиз амал қилиш, одил судловни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш, шунингдек, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш соҳасидаги ҳақиқий ҳолатни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Жойларда ҳақиқий ҳолатни ўрганиш жараёнида одил судловни амалга ошириш масалаларига эътибор қаратиш, судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга тўсик бўлаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, Олий Мажлис ва бошқа давлат органларига фуқаролардан келаётган мурожаатларни таҳлил қилиш, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилиш бўйича депутат ва сенаторларнинг вазифалари белгилаб берилди.

Йиғилиш якунида Комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

самарали ҳал этиш зарурлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳокамалар чоғида бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини доимий таҳлил қилиш тизимининг яхши йўлга қўйилмагани, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарлари билан мавсумга қараб таъминлаш ишлари тўғри ташкиллаштирилмагани, Ички истеъмол бозорига нарх-навои барқарорлаштиришга қўмаклашиш жамғармасининг самарали фаолият кўрсатмагани каби омиллар ҳисобиغا нархларнинг асосий равишда ошаётганига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўз навбатида, умумиқтисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатининг ўзаро мувозанатлашган тарзда олиб борилиши учун мута-садди вазирлик ва идораларнинг фаолиятини янада мувофиқлаштириш механизминини ишлаб чиқиш тавсия этилди. Бунда, шитиқроқлик мамаклатни иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг макро-иқтисодий сиёсатни муво-фиқлаштириш ва унинг му-возанатли ривожланишини таъминлашда муҳим аҳами-ят касб этади.

Яқинда амалдаги қонун ҳужжатларига молия бозорини ривожлантириш, микро-молиялаш механизмларини жорий қилиш, тижорат бан-клари томонидан имтиёзлий шартлар асосида кредит ре-сурслари ажратиш, давлат қисқа муддатли қимматли қоразларини чиқариш ҳамда бошқа масалалар бўйича за-рур чора-тадбирлар белги-ланди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.



Европа иттифоқи Ўзбекистон ташаббусининг амалий ижросидан мамнун

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биз мазкур минтақада салмоқли ман-фаатларга эга бўлганимиз ҳолда у билан ҳамкорликни давом эттириш та-рафдоримиз. Биз Марказий Осиёнинг осойишта, фаровон, яшовчан ва ўзаро боғланган иқтисодий ҳамда сиёсий макон сифатида ривожланишига қўмаклашадиган барча сайёҳаракат-ни қўллаб-қувватлаймиз. Келаси йил бошида биз ЕИнинг Марказий Осиё бўйича янги стратегиясини қабул қиламизки, у бизнинг минтақадаги ишторикимизнинг янги даражасини белгилаб беради.

Биз Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишларни қўллаб-қув-ватлаймиз. Биз хавфсизлик, савдо тар-тибини соддалаштириш, чегараларни бошқариш, сув ресурслари ва атроф-му-ҳит ҳимояси, барқарор ўзаро боғлиқ-каби масалаларга нисбатан яқин ёнда-шувнинг ишлаб чиқиш бўйича тад-бирларга қўмаклашишдан мамнумиз.

Ушбу имкониятдан фойдаланган

ҳолда, Европа иттифоқи Марказий Осиё давлатларини Афғонистонда тинчлик ҳамда тараққиёт учун минта-қавий шарт-шароитларни яратишда давом этишга қўллаб-қўллабди.

Эслатиб ўтамиз, юқорида келтирил-ган Резолюциянинг қабул қилиниши давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ил-гари сурилган ташаббуснинг амалий иж-роси ҳисобланади. Ушунда Ўзбекис-тон етакчиси 2017 йил ноябрь ойда Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Марказий Осиё бўйича юқори даражадаги халқ-аро анжуман ўтказилишини маълум қилиб, унинг якунлари бўйича Марка-зий Осиё давлатларининг хавфсизлик-ни таъминлаш ҳамда минтақавий ҳам-корликни мустаҳкамлаш борасидаги сайёҳаракатларини қўллаб-қувватлаш-га доир махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этганди.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

АҚШ журнали мамлакатимизда амалга оширилаётган ноёб тажриба ҳақида илмий-таҳлилий мақола чоп этди

Мамлакатимизда охириги бир ярим йилдан зиёд вақт ичида нефть, газ, кимё, биотехнология, фарма-ция, АКТ, транспорт логистикаси, туризм, озиқ-овқат, таълим тизими қатори қишлоқ ҳўжалигида ҳам илгор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш, хусусан, инновацион кластер усулини жорий этишга жиддий эътибор қаратилляпти.



Президентимиз яқинда Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкор-лик ташкилоти Давлат раҳ-барлари кенгашининг ўн сак-кизинчи мажлисида ҳам на-фақат бир мамлакат ёки мин-тақа, балки глобал микёсда муҳим ўрин тутадиган таша-буслар қаторида мазкур ма-салага алоҳида тўхталиб, дамладан, «Биз, шунингдек, давлат-хусусий шериклик та-

мойиллари асосида агро-сноат кластерларини шакл-лантириш тарафдоримиз», дея таъкидлаб ўтди.

Дикқатга сазовор жиҳати, нафақат мамлакатимиз, бал-ки хориқлик академик доира вакиллари, глобал микёсдаги илмий нашрлар мазкур ҳаётий қоялар бугунги кун ва келажак нуқтани назаридан ул-кан аҳамиятга эга эканлиги-ни мудом эътироф этиб кел-

моқда. Гап шундаки, АҚШда чоп этиладиган ва қишлоқ ҳўжалиги ҳамда ўрмончилик соҳасида дунёда етакчи ил-мий нашр ҳисобланган «Agriculture and Forestry» («Қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон-

чилик») халқаро илмий-таҳли-лий журналида «Пахта тўқи-мачилик кластери таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлиги база-си сифатида» сарлавҳали ма-қола чоп қилинди. Иқтисод фанлари доктори, профессор, Нью-Йорк Фанлар академияси-нинг академиги М. Раҳматов, биология фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий универ-ситети профессори, Нью-Йорк Фанлар академияси-нинг академиги Б. Зарипов, техника фанлари доктори, профессор Ф. Раҳимов ва — бошқалар қаламига мансуб материалда Ўзбекистоннинг соҳадаги ўқашни йўқ тажри-баси ҳақида атрофича сўз юритилди.

Мақолада Президент Шавкат Мирзиёевнинг бево-сита ғояси асосида Ўзбекис-

тонда ҳаётга татбиқ этилаёт-ган инновацион пахта тўқи-мачилик кластери тизими-нинг ноёблиги, янгилиги, халқнинг ҳаёт даражаси ва мамлакат экспорт салоҳияти-ни оширишдаги стратегик аҳамияти ҳам илмий-наза-рий, ҳам амалий нуқтаи на-зардан чуқур таҳлил этилган. Хусусан, бу йўналишда қабул қилинган муҳим ҳужжатлар-нинг мазмун, уларнинг иж-роси асосида олиб борила-ётган изчил ислохотлар, жо-рий этилаётган инновация-лар, «ноу-хау»лар моҳияти чу-қур очиб берилган.

Маълумот учун, «Agriculture and Forestry» халқаро илмий-таҳлилий журнали Америкада-ги обрўли «Scientific & Academic Publishing» (SAP) нашриёти томонидан чоп этилади.

SAP дунёдаги етакчи ил-мий-тадқиқот уюшмаси ҳисобланиб, энг йирик илмий жамиятлар нашриётларида-ни берибди. Унинг журналлари халқаро микёсда кенг тан олинади.

С. МАХСУМОВ
тайёрлади.

Валюта сиёсатини либераллаштириш:

НАТЖА ВА ИСТИҚБОЛ

Банк-молия академиясида «Валюта сиёсатини либераллаштиришнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ва аҳоли турмуш тарзига таъсири: ютуқлар ва муаммолар» мавзюнда илмий-амалий конференция ўтказилди.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, мутасадди вазирлик ва идоралар, тижорат банклари вакиллари, иқтисодий олим-лар ҳамда мутахассислар қатнашди.

Таъкидланганидек, мамла-катимизда бугун барча со-ҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, энг ав-вало, аҳоли манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятли-дир. Айниқса, сўнгги йил-ларда валюта сиёсатини та-комиллаштириш бўйича қўрилаётган сайёҳаракатлар миллий иқтисодиётга хори-жий сармояларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик субъект-ларини барқарор ривожлан-тиришга хизмат қилляпти. Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони ушбу тизимни ислох этишда муҳим дасту-риламал бўлмоқда.

Айни пайтда давлатимиз

раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Пул-кредит сиёсатини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига муво-фиқ, пул-кредит сиёсатининг макроиқтисодий барқарор-лик ва миллий валютанинг мустаҳкамлигини таъмин-лашдаги ролини қўчайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусу-сан, мамлакатимизда ички нархлар барқарорлигини са-марали таъминлаш мақсади-да ўрта муддатли истиқбол-да ривожланган хорижий мамлакатлар марказий бан-клари томонидан кенг қўлла-ниладиган инфляцияни тар-гетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Конференцияда сўзга чи-қанлар иқтисодиётда тарки-бий ўзгартишларни рўёбга чиқариш, хусусан, товар ва хизматлар бозорларида ра-кобат муҳитини ривожлантириш, ишлаб чиқаришда таннарх ҳа-ражатларини пасайитириш, қорхоналарга солиқ юқини оп-тималлаштириш, солиқ маъ-муриятчилигини соддалашти-риш, солиқ ва бошқа мажбу-рий тўловлар турларини ка-майитириш каби вазифаларни

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 26 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийиди қийматини белгилабди:*)

1 АҚШ доллари	7871,66	1 Қувайт динари	26053,02	1 БАА дирҳами	2143,23
1 евро	9174,42	1 Малайзия ринггити	1967,42	1 Миср фунти	441,73
1 Россия рубли	125,10	1 Канада доллари	5932,37	1 Австралия доллари	5855,33
1 Англия фунт стерлинги	10444,12	1 Хитой юани	1210,52	1 Туркия лираси	1683,31
1 Япония йенаси	71,59	1 Сингапур доллари	5796,51	1 СДР	11110,77
1 Жанубий Корея вони	7,09	1 Швейцария франки	7968,88	1 Украина гривнаси	300,10
				1 Польша злотийси	2122,89

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

«Шавкат Мирзиёевнинг халқчил сиёсати Озарбайжонда ҳам муносиб эътироф этилмоқда»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбек ва озар халқларининг ўхшаш жиҳатлари кўп. Тилимиз, динимиз, тарбиямиз, урф-одатла-римиз ҳамоҳанг. Ўзбекистонда ижодкор дўстларим бор. Телефон, ижтимоий тармоқлар орқали бо-ганиб тураимиз. Бундай мулоқот-лар чоғида мени бир нарас қизиқ-тиради: қадрли ўзбек ҳамкасблар, бугунги ислохотларни ёритишга, уларнинг мазмун-моҳиятини халққа етказишга улгураяписизларми?

Президент Шавкат Мирзиёев-нинг халқчил сиёсати Ўзбекистон аҳолисига нақадар маъқул тушган бўлса, Озарбайжонда ҳам шу қадар эътироф этилмоқда. Давлат раҳбарининг олиб бораётган ис-лохотлари, қўшни ва қардош мам-лакатлар билан дўстона муноса-батларни тиклашдаги ташабуслар-и, давлат идораларининг халққа хизмат қилишга йўналтирилгани, вазирлар, ҳокимлар, сенатор ва депутатларнинг жойларда бўлиб,

аҳолининг турли қатламлари билан мулоқотлар уюштираётгани ибрат ва ўрнат намунаси, десам, айни ҳақиқат.

Бинобарин, бу каби эзгуликка йўғрилган сайёҳаракатлар жур-налистлар учун ҳақиқий илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётгани, шубҳасиз. Негаки, биз журна-листлар ўзимизнинг эмас, ўзгалар-нинг, жамиятнинг манфаатини қўзлаб иш қиламиз. Очиғи, Шавкат Мирзиёевнинг ички ва ташқи сиёсатдаги азму шижоати эса фақат яхшиликка қаратилгани билан ул-кан таассурот уйғотмоқда. Фурсат-дан фойдаланиб, Ўзбекистондаги ана шундай изчил ва ҳайрли ислохотларда фаол иштирок этаят-ган ҳамкасбларимга муваффақият-лар тилайман.

«Халқ сўзи» мухбири
Мақсуд ЖОНИХОНОВ
ёзиб олди.
**Озарбайжон Республикаси,
Боку шаҳри.**



нича йўқ. Мамлакатимизда нодавлат ташкилотлар, уюшмалар, ОАВлар маз-кур масалага зудлик билан алоҳида эътибор қаратиши, тезкор чора-тад-бирлар қўриши жуда зарур. Негаки, талаб ҳамма учун битта. Давлат, но-давлат деган маданият ҳам, санъат ҳам, адабиёт ҳам йўқ! Она тилимиз — маънавий мулк. Миллатнинг бебаҳо хазинасини эса ҳамма бир хилда кат-та масъулият билан эҳтиётламоғи, ас-раб-авайламоғи, улугламоғи шарт!

Телевидениеда ишлардим. Японча-дан хат келди. Самарқанд ҳақида ҳужжатли фильмини суратга олиш ре-жалаштирилган экан. Ахабланарли-си, икки кунга телекамера сўралган эди. Ўзимизникиларга бунақа фильм яратиш учун камида икки ой керак бўлишини билар эдик-да! Ҳақиқатан ҳам, улар ўз ишини икки кунда понағиза етказишди. Суратга олган фильмлари бизникилардан зўр бўлса зўр эдики, асло кам эмасди. Билсак, улар аввалдан Самарқанд шаҳрини, унинг тарихини, одамларини, об-ҳаво-сини нарх-навосигача пухта ўрганиш-ган экан. Кимлардан интервьюлар олиш, камераларни, мисол учун, Регистоннинг қайси нуқтасига қўйиш, қўёш чиқар ва ботар маҳали қадимий миноралар пештоқи қай тусда товла-нишларига режиссёрнинг сценарий-сида ёзиб қўйилган эди. Қанча вақт, қанча маблаг тежалган. Биз нега шун-дай қилмаймиз? Қачон ўрганамиз?

Айтган сўзи ўқувчи, тингловчи ру-хини кўтарини, уларга кул бағишла-ши, қалбларни сехрлаши, ҳайратга солиши, қўнғилларга адолат нурла-рини таратиши журналистлар обу-р-этиборини оширадди. Улар учун за-рур шартлолар яратилди, эхтиром кўрсатилмоқда. Журналистлар фа-олиятини, турмуш тарзини юксалти-ришга доир Президент қарорлари қабул қилинди. Модомики, янгилаши оғоботибнинг нурали тиниклашиб бораётган экан, биз ҳам тезроқ ўзимизни ўзгартиришимиз лозим. Юрак қўрию шижоатини олға инти-лаётган шўхуқий қарвондан ортда қолмасликка ундайди.

Абдусатид КҲИМОВ.

Навоий ҳазратлари «қанд ҳам оқ, туз ҳам», деганлар. Буюк италян шоири Данте «Илохий комедия»да у томонга-ми, бу томонгами оғиб кетмасин, деб ижодкорларни жаннат билан дўзахнинг ўртасига жойлаштирган. Улар дўхлар-нинг ушбу фикрларини изохлашга ҳожа-т бўлмаса керак. Ҳар бир мақола, у қайси мавзудалигидан қатъи назар, ўқувчида

Баъзи мақоаларни ўқиганда, кўрсатувларни кўрганда, эшиттириш-ларни эшитганда, журналистлар ти-лидаги ғализликлардан «дод» деб юборгинг келади. Ялтироқ сўзларга ишқибозлик, саводсизлигини хаспў-лаш, оригинал бўлиб кўриниш учун баландпарвозликка ружу қўйишлардан ҳали мағбуримиз халос бўла ол-га-

Энергетика:

Модернизация ва тежамкорлик

Пойтахтимизда Осиё тараққиёт банки ҳамда “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти ҳамкорлигида “Электр энергетика соҳасидаги ислохотлар ва унинг истиқболлари — орттирилган тажриба, ҳулосалар ва рад этилган афсоналар” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё ҳамда Афғонистоннинг давлат электр энергетикасига доир ҳолдинг ва корпорациялари раҳбарлари, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки мутахассислари иштирок этди.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Мазкур тадбирни энергетиклар учун муҳим воқеа, десак, аини ҳақиқатдир. Чунки унда соҳадаги мамлакатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш, ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Зеро, бу мавжуд масалаларни биргаликда муҳокама қилиш орқали халқларимиз манфатлари учун энг кам иқтисодий сарф-ҳаражатлар билан энерготи-зимлар раванқини таъминлаш, келгусида келишган ҳолда муваф-фақиятли ривожланиш имконини беради.

— Ўзбекистон электр энергетика соҳасида улкан ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятга эга

бўлиб, у республика иқтисодиёти-нинг ривожланишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг кўтарилиши-га катта таъсир кўрсатадиган, — дейди “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбо-сари Жаҳонгир Обиджонов. — Мазкур конференция эса ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ҳамкор-ликни ривожлантиришда аини муддаодир.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги пайт-ларда республикамизда энергетика соҳасида самарадорлиқни оши-риш мақсадига Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Европа тикла-ниш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳамда бошқа молия институтлари ва етакчи

халқаро компаниялар билан изчил алоқалар ўрнатилмоқда. Натижада Навоий иссиқлик электр станция-сида қуввати 478 МВт.га тенг буғ-газ қурилмаси, Толлимаржон ИЭС-да қуввати 900 МВт.га тенг иккита буғ-газ қурилмаси, Тошкент ИЭСда қуввати 370 МВт.га тенг худди шун-дай қурилма, Тошкент ИЭМда қува-ти 27 МВт.га тенг когенерацион газ турбина қурилмаси, Ангрен ИЭСда қуввати 150 МВт.га тенг юқори қулчан кўмирли энергоблок ишга туширилди.

Ушбу энергоблоklar экологияни яхшилаш ва электр энергияси ишлаб чиқариш учун сарфланади-ган табиий газни икки баравар камайтириш имконини берди. Аини пайтда иссиқлик электр станция-ларида электр қувватининг 30 фоизи янги самарадор энерго-блокларда ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, ҳозирги кунда “Ўзбекэнерго” АЖ ҳамда ОТБ ўрта-сида жами 1 млрд. 700 минг АКШ долларийлик лойиҳаларга инвести-циялар киритилмоқда. Мазкур халқаро молия муассасаси томонидан келгусида яна 1 млрд. АКШ долларига тенг лойиҳалар молия-лаштирилади.

Кўрилаётган чоралар электр

энергияси ишлаб чиқаришни дивер-сификациялаш, углеводородга боғ-лиқликни камайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолини арзон электр энергияси билан ишончи ва узлуқсиз таъминлаш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, ОТБ иштироки-да Тахиятош ИЭСдан янги Саримой кичик станциясигача 220 кВли электр узатиш линиясини қуриш бўйича инвестициявий лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланга-ни ҳам диққатга сазовор.

— Энергетика иқтисодиётини ривожлантирувчи, аҳоли турмуш даражасини юксалтирувчи муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади, — дейди Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Таеко Кониши. — Электр энергияси ишлаб чиқаришга инновацияларни кенг жалб этиш, қувватларни тежамкор технология-лар ҳисобига модернизация қилиш эса муваффақият гаровидир. Қайд этиш керакки, кейинги йилларда Ўзбекистонда бу борадаги юмуш-ларга жиддий эътибор қаратилиб, соҳа раванқига хизмат қилувчи ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Натижада “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси база-

сида “Ўзбекэнерго” АЖ таъсисчи-лигида Қуёш энергияси институти ташкил этилди. Шунингдек, яқин 4 йил ичида “Sky Power Global” халқаро компанияси билан ҳамкор-ликда қуввати 1000 МВт.га тенг қуёш фотоэлектр станциясини ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон энерготизими мин-тақа давлатлари билан электро-энергия алмашиш учун қулай шaroит яратади. Бугун ҳукуматлар-аро битим ва тузилган шартнома-ларга мувофиқ, бу борада ҳамкор-лик қилинапти. “Ўзбекэнерго” мам-лакатларимиз ҳукуматлари ўртаси-даги битим доирасида Афғонистон Ислом Республикасига электр энер-гияси етказиб бермоқда. 500 кВт.ли “Сурхон — Пули-Хумри” электр уза-тиш линиясини қуришга киришил-ди. Бу, ўз навбатида, Афғонистон энерготизимини Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё ягона энерготизимига улаш имко-нини беради.

Конференция ақунларига кўра, иштирокчилар ўртасида келажақда бундай тадбирларни ҳар йили ўтказиш ва алоқаларни янада мус-таҳкамлаш тўғрисида декларация имзоланди.

Тадбирда Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош вазири ўринбосари А. Султонов сўзга чиқди.

Дилшод УЛУҒМУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ — ҲУДУДЛАРДА

Декхонларимиз, бутун жамoатчилик жорий йилда сув қадрини янада теран англаб етмоқда. Чунки йил қуруқ келди. Обихаёт танқислиги сезилипти. Миришкорлардан ҳар қанчонигдан кўра oмилкорлик билан ишлаш талаб қилинаётир. Сув танқислиги oқибатларини бартараф этишда уларга кумақдош бўлиш ҳар бир кишининг фўқаролик бурчига айланди.

Сугориш маданияти
ғўза ривожиди
муҳим омил

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йилнинг 29 май куни ўтказилган видеоелекторда ана шулар ҳақида атрофлича фикрла-шиб олинган эди.

Шунга кўра, Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси-нинг ишчи гуруҳлари жой-ларда, жумладан, Бўхоро ви-лоятида ҳам бўлиб, сувдан oқилона фойдаланиш, суго-ришининг илгор усулларини қўллаган ҳолда обихаёт танқислиги oқибатларини юмшатиш каби долзарб масалаларда декхонларга елкадош бўлишмоқда. Депутатлик ва жамoатчилик назоратини ўрнатиб, сувдан ўрибли фойдаланиш аҳоли-ни ўрганишаётир.

Қузатишларимиз кўрсат-яптики, барча туманларда ғўзани каналлар бўйича нав-батлаб сугориш тартиби йўлга қўйилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палата-си депутати Н. Собиров. — Бу усулда сугориш тизими имконияти, экин майдонлари аҳоли инoбатга олинадн. Шу тарзда сув етиб бoриши қийин бўлган фермер хўжа-ликлари ерларини, биринчи навбатда, сугориш таъминла-нади. Бундан ташқари, воҳа-да “Сувни қутиб олиш” деган ибора урф бўлди. Бу фермер сув келгунга қадар сугориш тармоқларини тартибга кел-тириш, агротехник тадбир-ларни бажариши, дала боши-га чиритилган маҳаллий ўғит тайёрлаб қўйиши зарурли-гини англатади. Бошқача айтганда, сугориш мадания-ти ҳам обихаёт танқислигини енгишда қўл келяпти. Биз Ромитан туманидаги “BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS” масъулияти чекланган жами-яти экин майдонларида ишга ана шундай жиддий ёндаши-лаётганининг гувоҳи бўлдик. Минглаб гектар ерда кластер усулда пахта етиштиришга ихтисослаштирилган ушбу субъект далаларида сувнинг ҳар томчисидан oқилона фой-даланилмоқда. Тунги сугориш батарепти йўлга қўйилган. Сувчилар учун барча қулай-лик яратилган. Биз жойларда бу каби илгор тажрибаларни тарғиб қилияпти.

Вилоятда сугориладиган жами 274,7 минг гектар экин майдони мавжуд. Бу май-донларни сув билан таъмин-лаш учун 17,1 минг километр узунликдаги гидротармоқ-лар, 50 дан зиёд йирик гид-роиншоотлар, насос стан-циялари, тик сугориш қудуқ-лари барпо этилган. Улар-нинг ишлаши учун Давлат

бюджетидан йилига 450 миллилард сўм сарфланади. Шу далилнинг ўзи ҳам воҳа учун сув бениҳоя қадри эканини кўрсатади. Сув таъми-ноти 25 фоиз кам бўлиши инoбатга олинса, обихаёт-дан тежаб-тергаб фойдала-ниш ўта долзарб масала экани кўзга яққол ташлана-ди. Бундай вазиятдан чиқиш учун қанчалки oмилкорлик кўрсатилаётганини кузатиб бoриш учун жамoатчилик на-зорати ҳам муҳим аҳамият-га эга.

— Халқ депутатлари вило-ят Кенгашининг тегишли қарорига кўра, сув танқисли-ги oқибатларини юмшатиш, ғўзадан қафoлатли ҳосил яратиш мақсадида туман штаблари, жамoатчилик на-зорати бўйича ишчи гуруҳи ва oқсоқоллар гуруҳи тузи-лди, — дейди “Нуроний” жам-гармаси Олот тумани бўлин-маси раиси С. Oққиев. — Буннн биз, кекса авлод вакил-лари ўзимизга билдирилган ишонч, деб қабул қилдик. Зеро, бутун туман аҳли қўп ийиллик тажрибамизга ишо-ниб, умид боғлаб бизга қўз тикиб турибди. Умиримиз далада келган. Сув танқис келган йилларнинг кўпини кўрганамиз. Тажрибамиз бор. Шу боис ҳам аини қўнларда катта ҳаёт тажрибасига эга oқсоқоллардан иборат гуру-ҳимиз фермер хўжалиқлари-да бўлиб, сувдан oқилона фойдаланиш борасидаги тажрибани ўзаро баҳам кўрмоқда, жамoатчилик назо-ратини ўрнатмоқда. Жумла-дан, ғўза майдонларида нам-ликни узoқ муддат сақлаш мақсадида қарама-қарши култивация ўтказишни, ма-ҳаллий ўғитни шарбатлаб oқизишни ҳар бир сугориш-нинг яқуний қисмида амалга оширишни маслаҳат бeряп-ми. Шуларга амал қилинса, сугориш oралиғи 4-5 кунга қўзилиб, сув тежаланди.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, бу каби қўшимча агротехник тадбирларнинг рўббга чиқарилиши, шунинг-дек, 470 гектар бог-роғни томчилатиб, 2580 гектар майдондаги экинни егилув-чан қувурлар билан сугориш, кўмча дизель сув насосла-ридан фойдаланиш, пиро-вардида 240 миллион куб метр суви тежаш имкони-ни беради. Буларнинг бар-часи ғўзада қафoлатли ҳосил етиштириш сари қўйилган муҳим қадамдир.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таълим

Самарқанд шаҳрида умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчи-лари ўртасида физика ва астро-номия фанлари бўйича Мирзо Улуғбек номидаги халқаро олимпиада якунланди.

Ёшларимиз —
олтита медаль
билан
биринчи

Унда вакилларимиздан ташқари, Қозогистон, Қирғизистон, Туркманистон ҳамда бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган 58 нафар иқтидорли ёш ўз билим ва салоҳиятини синовдан ўтказди.

Беллашувлар якунида физика фани бўйича Наманган давлат университети академик лицейи ўқувчиси Умиджон Ҳафизов олтин медални қўлга киритди.

— Президентимиз ташаббуси билан биз каби ёшларга астрономия, физика соҳала-рида улкан кашфиётлар қилиб, дунёни лол қолдирган Мирзо Улуғбекдек буюк аждоди-мизнинг эгзу ителишларини давом этти-риш имконияти берилганидан бахтиёрман, — дейди Умиджон. — Бугунги ютуғим давлатимиз раҳбарининг ёш авлод қамолот-ига қаратаётган юксак эътибори самара-сидир.

Астрономия фани бўйича эса Қирғизис-тоннинг Бишкек шаҳридаги физика-матема-тика фанларига ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Ирискелди Анарбеков голиб чиқди.

Яқунда умумжамoа ҳисoбида ўзбекистон-ликлар 6 та, қозогистонликлар 5 та, қирғи-зистонликлар 3 та ҳамда туркманис-тонликлар битта медалга эга бўлишди. Бундан ташқари, билимлар беллашувининг 18 нафар энг фаол иштирокчсига, 12 на-фар гуруҳ раҳбарига сертификатлар топширилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Савдо-саноат палатаси:

Билдирилган ишонч оқланяптими?

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам тадбиркорликнинг қонуний ҳимоясини кучайтириш, соҳанинг иқтисодиётимиз ривожи ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролини янада ошириш йўлида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси янги форматда иш бошлаган эди.

САРҲИСОБ

Гап шундаки, Президентимизнинг 2017 йил 19 июндаги “Бизнeснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини яна-да ривожлантириш тизимини тубдан та-комиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғри-сида”ги Фармониға мувофиқ, мазкур нoдав-лат нотиҳорат ташкилотининг вазифалари, фаолият йўналишлари ҳамда ваколатлари туб-дан кенгайтирилди. Бундан кўзланган асосий мақсад ушбу тизимда давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасида ишончли қўприқ бўла-диган, ишбилармонлар ўзларини ўйлантира-ётган масалалар ечимини топадиган муасса-сага айлантиришдан иборат эди.

Хўш, амалда бунга нечоғли эришилди? Савдо-саноат палатаси ишбилармонларда биз-несга иштиёқ, хориж-лик инвесторларда эса иқтисодиётимизга қизиқиш уйғoта ол-димиз? Билдирилган юксак ишонч oқлан-яптими?

Мазкур тузилманинг бир йиллик фаолияти сарҳисoбига бағиш-ланган брифингда шу каби саволларга жавoб изланди.

Таъкидланганидек, ишбилармонлик муҳи-тини яхшилаш, тадбир-корларнинг яқин кўмак-чисига айланишни ол-дига бош мақсад қилиб олган жамoа ишни ки-чик бизнес вакиллари билан мулоқот ўрнатиш,

уларнинг дардини эшитишдан бошлади. Сабаби, улар фаолияти давомида қарерда қан-дай тўсиққа дуч кeлаётгани, бунн ким яра-таётганини ўзлари яқин билишади. Шу маъ-нода, палата тизимига жами 50803 та мурожа-ат кeлиб тушгани жуда кўп нарсани аналтади. Бизнес ҳамжамиятини ўйлантираётган ма-салаларни аниқлаш, уларга яқиндан ёрдам бeришда республикамизнинг деярли барча туман ҳамда шаҳарлари қамраб олинган 194 та Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази ташкил этилгани қўл кeлмоқда. Ўтган давр ичида 6794 нафар кишига бизнес фаолияти-ни бошлашга, 6273 нафар тадбиркорга бо-зор инфратузилмаси ва банк-молия соҳаси-



Тадбирда сўзга чиққанлар алоҳида таъкид-лаганидек, бу кўрсаткичлар ҳали мавжуд им-кониятлар даражасида эмас. Айниқса, худуд-ларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, чет эл инвестициясини кўпроқ жалб этиш бoра-сида тинимсиз изланиш, ташаббус кўрсатиш жоиз. Шу маънода, Қорақалпоғистон Респуб-ликасига инвестиция қилишти бўйича махсус қўланма тайёрланган, мамлакатимиз ҳар бир туманининг инвестициявий имкониятла-рини тавсифловчи тадқиқотлар ўтказилгани диққатга сазовордир.

Брифингда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларини ўқитиш, қадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, ишби-лармонлар дуч кeлаётган муаммолар, улар-нинг ечими ҳақида атрофлича маълумотлар бeрилди.

Сайд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚўМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РўЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТўҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 7 МАЙДАН 12 МАЙГАЧА БўЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 23 апрелдаги 85, 13 қ/к-сон “Ўзгаларни қарамоғига муҳтож пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан текин таъминлаш тўғри-сидаги низоми ўз қучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 636-1. (2018 йил 8 майдан куч-га кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/3-сон “Ломбардлар томонидан фаолият ва операциялари амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1290-2. (2018 йил 8 майдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/1-сон “Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгар-тириш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-3. (2018 йил 8 майдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси ахборот технология-лари ва коммуницияларни ривожлантириш вазирининг 2018 йил 1 майдаги 169-мх-сон “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 9-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-8. (2018 йил 8 майдан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат бoжxона қўмитасининг 2018 йил 1 майдаги 87, 01-02/15-36-сон “Жисмоний шахслар томони-дан фақат эркин алмаштириладиган валютода экс-порт қилиш рўхсат этилган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқилиш-ни чекланган меъёрларини, шунингдек унга ўзгарти-ришлар ва қўшимча ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 731-2. (2018 йил 8 майдан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот техноло-гиялари ва коммуницияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 11 апрелдаги 168-сон

“Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилот-ларининг ахборот технологиялари ва коммуни-кацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлиналари ҳoдимларини аттeста-циядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3007. (2018 йил 10 майдан кучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вази-рининг 2018 йил 17 апрелдаги 106-сон “Ўзбекис-тон Республикасида сиёсий бошлана бeриш тўғри-сидаги илтимоснома шаклини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3008. (2018 йил 10 майдан кучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/11-сон “Аҳолининг кeнг қатлами, шу жумладан ёш oилалар учун уй-жой қурилишни ва реконструкция қилиш-ни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғриси-да низомининг 10-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1727-3. (2018 йил 10 майдан кучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 268-мх-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомини тасдиқ-лаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-8. (2018 йил 11 майдан кучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 270-мх-сон “Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низоми тасдиқ-лаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-5. (2018 йил 11 майдан кучга кирди).

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 271-мх-сон “Фўқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-3. (2018 йил 11 майдан кучга кирди).

13. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 75-сон “Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимча-ларни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2112-2. (2018 йил 14 майдан кучга кирди).

14. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 76-сон “Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат бюджети пул маблағларини қассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3009. (2018 йил 14 майдан кучга кирди).

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 25 апрелдаги 23, 32-сон “Хайдовчи ва ҳайдовчи-ликка номзодларнинг транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун табиий қўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгар-тириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2472-1. (2018 йил 14 майдан кучга кирди).

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/13-сон “Пул ресурсларининг банклараро электрон бoзори-да операцияларни амалга ошириш тартиби тўғри-сида низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди,

рўйхат рақами 1535-1. (2018 йил 14 майдан кучга кирди).

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/12-сон “Банклараро пул бoзорида электрон савдо плат-формаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3010. (2018 й

«Кулоллар фестивали»



Фаргона вилоятининг қадим хунармандлар юрти Риштон туманида вилоят ҳокимлиги, "Хунарманд" уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, Ошпазлар уюшмаси ҳамкорлигида мамлакатимизда биринчи бор халқаро "Кулоллар фестивали" ташкил этилди.

Хунармандлик

Халқаро фестивалнинг очиши маросимида юртимиз ҳамда ўндан ортиқ мамлакатлардан ташриф буюрган уста-хунармандлар,

дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Тадбир хунармандларнинг ўзаро тажриба алмашишига кўмаклашиш,

уларнинг соҳадаги сўнгги янгиликлардан хабардорлигини ошириш мақсатига ўтказилди.

Фестивалда мамлакатимизда тармоқ ривожига учун яратилаётган шароитлар ва берилаётган имтиёзлар хунармандлик билан шуғулланувчилар сафининг орттишига хизмат қилаётгани таъкидланди. Биргина Фаргона вилоятида ўтган йили 724 нафар хунарманд рўйхатга олинган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йилнинг шу

даврга қадар 3228 нафарни ташкил қилди.

— Хунармандлик марказлари бўлган худудларимизда бу каби тадбирлар ҳар

йили анъанавий тарзда ташкил этиляпти, — дейди Фаргона вилояти "Хунармандлар" уюшмаси раиси Расулжон Мирзааҳмедов. — Марғилон шаҳрида "Атлас байрами" ва Риштон туманида "Кулоллар фестивали" шулар жумласидандир. Бундай тадбирлар соҳа тараққиётига катта таъсир ўтказиб қолмай, водийга сайёҳлар оқимининг кучайишига ҳам ҳисса қўшмоқда.

Тадбир доирасида хунармандлар кўргазмаси, "Ошпазлар танлови", ёш кулоллар учун маҳорат дарслари ташкил этилди. Риштонлик машҳур уста-кулоллар Алишер Назиров, академик Шарофиддин Юсупов, Рустам Усмонов ҳамда Равшан Тоҳидидинов устахоналари фаолияти, шунингдек, "Устоз — шогирд" мактаблари фестивал иштирокчилари ҳамда хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Элёржон ЭҲСОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни

«Аср вабоси»нинг жафоси

Асли тошкентлик Ҳалим Насимов (исм-шарифлар ўзгартрилди) Зангиота туманининг Саховат маҳалласидаги ташландиқ жойда ёввойи тарзда ўсаётган кўп миқдордаги гиёҳвандлик ўсимлигига тасодифан дуч келганида, ихтиёрида бир неча йўл бор эди. У эса ноқонуний йўлни танлади.

Ўсимликни эски таниши, ўзи каби иш жойининг тайини йўқ Оғабек Шарипов хонадонига олиб келади. Икки ошна ажал уруғини сотиш мақсадида елим пакетларга жойлаб, қашқадарёлик Саъдулла Шомаксудовни хабардор қилади. Жиний шериклар оғуни Навоий вилоятида пуллаб, "ов" бароридан келса, фойдани тенг тақсим-

лашни режалаштирадилар.

Улар илгари ҳам шу каби жинояти учун умрининг маълум қисmini панжара ортида ўтказган, амнистия акти туфайлигина озодликка чиқарилган эдилар. Аммо бундай жиноят-қидирув бўлими ва давлат хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир чоғида С. Шомаксудов Карманда қўлга олинди. Унинг ёнидан

"хассаси"ни иккинчи марта ҳам йўқотдилар.

Жиноятчилар ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг зийрак нигоҳидан қочиб қутулишолмади. Вилоят ИИБ жиноят-қидирув бўлими ва давлат хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир чоғида С. Шомаксудов Карманда қўлга олинди. Унинг ёнидан

топилган, оғирлиги 1 килограмм 300 грамм бўлган гашиш гиёҳвандлик моддаси гувоҳлар иштирокида ҳужжатлаштирилди.

Суд жараёнида улар барча қилмишига тўла иқдор бўлдилар. Суд ҳукмига қўра, ҳар бирига ўн бир йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шундай қимсалардан яна бири — хатирчилик Сайфи Дилмуродовдир. Аввалига туппа-тузук яшаб, маҳаллада эътибор топган бу шахс илгари ҳам мўмай даромад

илинжида марихуана эккани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Афсуски, у бундан хулоса чиқармади. Аксинча, озодликка чиққан, яна эски хунарни бошлади. Яқинда у марихуанани пуллаётганда Зарафшон шаҳри ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди. Унга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориш тартибда ўтказиладиган
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Туронбанк» АТБ Юнусобод филиалининг 2018 йил 18 июндаги 05/01-669-сонли хатига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

Лот № 1. Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Ибн Сино мавзеси, 4 қаватли 5-уйнинг 1-қаватида жойлашган 47-хонадон. Умумий майдони — 56,56 кв. м., яшаш майдони — 29,44 кв. м.

Бошланғич баҳоси — 328 146 000 сўм.

Лот № 2. Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Жарариқ мавзеси, 3 қаватли 216-уйнинг 1-қаватида жойлашган 3-хонадон. Умумий майдони — 45,29 кв. м., яшаш майдони — 23,94 кв. м.

Бошланғич баҳоси — 279 094 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 25 июль кuni соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 23 июль кuni соат 16.00.

Мазкур кўчмас мулклар 2018 йил 25 июлдаги савдода сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2018 йил 10 август кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 8 август кuni соат 16.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг ваколатли вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатда шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, низом ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил аукцион савдосида қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқловчи паспорт нусхаси;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакили аукцион савдоларида иштирок этган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқловчи паспорт нусхаси.

Аукцион савдоси голибига савдо ўтгандан бошлаб 15 (ўн беш) кун мобайнида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат пули мик-дори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «New estate action» МЧЖнинг «Ипак йўли» АЙТБ Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй.

Телефон: (0-371) 254-69-11. Факс: (0-371) 254-69-13.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

2018/2019 ўқув йили учун бакалавр таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларига қабул эълон қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2018/2019 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари бўйича тақсимланиши



Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида	Тўлов-контракт асосида
	ОТМ бўйича жами: шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича	2 295	525	1770
5111306	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда	100	20	80
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	100	20	80
5111600	Миллий гоа, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	20	5	15
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:			
5120112	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	80	20	60
5120113	Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили	40	5	35
5120114	Филология ва тилларни ўқитиш: француз тили	40	5	35
5120102	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	80	10	70
5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	60	15	45
5120400	Археология	25	10	15
5120500	Фалсафа	25	10	15
5130100	Математика	130	30	100
5130200	Амалий математика ва информатика	75	15	60
5140100	Биология (турлари бўйича)	130	30	100
5140200	Физика	200	60	140
5140300	Механика	25	10	15
5140400	Астрономия	25	10	15
5140500	Кимё	150	40	110
5140600	География	40	15	25
5140700	Гидрометеорология	20	5	15
5140800	Геология	100	20	80
5140900	Геофизика	40	10	30
5141000	Тупроқшунослик	40	10	30
5141100	Гидрология (тармоқлар бўйича)	25	10	15
5141200	Геокимё	25	5	20
5141300	Нефть ва газ кимёси	40	10	30
5141400	Полимер ва композицион материаллар кимёси	40	5	35
5141500	Биотиббидёт физикаси	50	15	35
5141600	Фойдали қазилма конларини баҳолаш ва геомоделлаштириш	25	5	20
5210100	Социология	25	5	20
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	50	5	45
5220300	Архившунослик	25	5	20
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5231700	Кадрлар менежменти	50	5	45
5232200	Эконометрика	20	5	15
5311500	Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича)	60	15	45
5330100	Ахборот тизимларининг математик ва дастурий таъминоти	40	10	30
5330200	Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	60	10	50
5330300	Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)	25	5	20
5520102	Ижтимоий иш (оила ва болалар билан ишлаш)	25	5	20
5520101	Ижтимоий иш (пенсия таъминоти)	25	5	20
5610518	Спорт фаолияти (Тазқвондо WTF)	25	5	20
5610700	Спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш	40	10	30
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20

Ҳужжатлар 2018 йил 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2018/2019 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг мутахассисликлар бўйича тақсимланиши

Шифр	Мутахассисликлар	Жами	Давлат грантлари асосида	Тўлов-контракт асосида
	ОТМ бўйича жами: шу жумладан, мутахассисликлар бўйича	475	142	333
5A111601	Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (маънавият асослари)	4	1	3
5A120101	Адабиётшунослик: рус адабиёти	4	1	3
5A120102	Лингвистика:			
5A120102	Лингвистика: рус тили	6	1	5

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахриратта келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрират компьютер марказида термид ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.

Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.

Навбатчи — Д. Улуғмуродов.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.47 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6